

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11399196>

Исаев Ҳусан Мансурович  
“Молия” кафедраси доценти

**Аннотация.** Илмий тезисда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини жаҳон ва республикамиз солиқ амалиётида қўлланилиши, сўнгги йиллардаги ўзгаришлар, унинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Шунингдек, хуфиёна иқтисодиётни камайтириши орқали жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини аҳамиятини ошириши юзасидан тавсиялар ишилаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** давлат бюджети, даромадлар, бевосита солиқлар, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бевосита солиқларнинг асосий тури ҳисобланиб, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, мазкур солиқ бўйича ўзгаришлар солиқ тўловчилар ва давлат бюджети даромадларига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи дунёning деярли барча мамлакатлари солиқ тизимида, жумладан, республикамиз солиқ тизимида ҳам самарали қўлланилиб келинаётган асосий солиқ туридир. Мазкур солиқ бир қатор хусусиятларига кўра ундирилувчанлик даражаси юқори бўлган солиқ ҳисобланади.

Халқаро амалиётда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг фискаллигини юқори эканлиги бу борада олиб борилган илмий тадқиқотлар қўламини ҳам оширган. Даромад солиғи тарихий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа омилларга кўра ҳар бир мамлакатда ўзига хос хусусиятларга эга. Шу билан бирга даромад солигининг кўпгина ривожланган мамлакатларга хос бўлган умумий хусусиятлари ҳам мавжуд. Ҳозирги кунда дунёда шахсий даромад солигини қўллашнинг бир нечта усувлари мавжуд:

1) Солиқ тўловчининг оилавий ҳолатига кўра:

- индивидуал солиққа тортиш;
- оилавий солиққа тортиш (солиқ оиланинг умумий даромадидан олинади).

2) Доимий ёки доимий бўлмаган яшаш жойига кўра:

- доимий яшовчи резидентларнинг даромадлари қаердан олинганлигидан қатъий назар солиққа тортилади;
- доимий бўлмаган резидентларнинг мамлакат ташқарисида тўланадиган даромадлари солиққа тортилмайди;
- норезидентларнинг даромадлари фақат ушбу даромад олинган мамлакатда солиққа тортилади.

3) Солиқ ставкаларига кўра:

- пропорционал солиққа тортиш - даромад миқдоридан қатъий назар барча даромадлар учун ягона солиқ ставкаси қўлланилади;
- прогрессив солиққа тортиш - даромадлар ошишига мутаносиб равишда солиқ ставкаси ошиб боради.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигидан бутунлай воз кечган мамлакатлар ҳам мавжуд. Бундай мамлакатларга Бермуд, Багама ороллари, Андорра, Монако, Баҳрайн, Қувайт, Уммон кабилар киради. Ушбу мамлакатларда давлат бюджети даромадлари табиий бойликларни сотиш (нефть) ёки туризмдан тушадиган даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

“Ўзбекистонда 2019 йилгача бўлган даврда даромад солигининг прогрессив ставкалари қўлланилган бўлса, 2019 йилдан эътиборан 12 фоизда пропорционал солиқ ставкаси жорий этилди. Кўпгина иқтисодчиларнинг фикрига кўра, пропорционал солиққа тортиш ривожланаётган иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлар учун хосдир. Шу билан бирга, деярли барча ривожланган мамлакатларда даромад солигининг прогрессив ставкалари амал қиласи” [1].

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига солиқ тўловчилар юридик шахс ёки жисмоний шахс сифатида эътироф этилади. Бевосита солиқлар ҳисобланган фойда солиги ва айланмадан олинадиган солиқ

тўловчиларининг асосий қисми юридик шахслар ҳисобланса, жисмоний шахслар томонидан тўланадиган бевосита солиқ – бу жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигидир.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар жисмоний шахслардир” [2]. Демак, солиққа тортиш мақсадида яшаш жойидан қатъи назар, барча фуқаролар - жисмоний шахслар деб ҳисобланади.

Республикамиз солиқ қонунчилигида жисмоний шахсларни, улар даромадларини солиққа тортишда резидентлик тамоили қабул қилинган, яъни уларнинг яшаш жойидан қатъий назар солиқ мажбуриятлари резидент ва норезидентлигига қараб вужудга келади.

Юқорида таъкидланганидек, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи давлат бюджети даромадларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган солиқ тури ҳисобланади. Жумладан, буни қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлар ҳам тасдиқлайди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

##### Давлат бюджети даромадлари ва бевосита солиқлар бўйича тушумларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи улушкининг ўзгариши [3], фоизда

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		2017	2018	2019	2020	2021	2022
1.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг давлат бюджети даромадларидағи улуси	11,9	9,4	11,9	11,4	11,5	12,0
2.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг бевосита солиқлардаги улуси	51,3	47,5	42,1	33,5	32,1	37,7

Ушбу жадвал маълумотларига таяниб, амалга оширилган таҳлиллар 2017-2022 йилларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг давлат бюджети даромадларидағи улушкининг деярли барқарор сақланиб

қолганлиги ва унинг бевосита солиқлар таркибидаги улушкини камайиши кузатилганлигини кўрсатмоқда.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг давлат бюджети даромадларидағи улуси 2017 йилда 11,9 фоизни ташкил этиб, 2018 йилда 9,4 фоизга қадар камайгани ҳолда, 2019 йилдан ўсиши кузатилган ва 2022 йилда 12,0 фоизни ташкил қилган. Эътиборли жиҳати мазкур солиқ ставкалари 2019 йилдан прогрессив шкаладан пропорционал – ягона ставкада белгиланиши одатда унинг давлат бюджети даромадларидағи улушкини камайиши ўрнига, аксинча, унинг ошиб бориши кузатилган. Жадвал маълумотларида якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланган қатъий белгиланган солиқ тушумлари ҳам даромад солиғи таркибида ўз ифодасини топган бўлса-да, улар учун солиққа тортиш тартибининг йиллик товар айланмасига қараб белгиланиши, кўплаб якка тартибдаги тадбиркорларни айланмадан олинадиган солиқ тўлашга ўтганлигини қайд этиш лозим.

Таҳлил қилинган даврда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг бевосита солиқлардаги улушкини камайиши кузатилган. Бу ҳолат мазкур солиқ тушумини камайганлигини билдирамайди. Аксинча, 2019 йилдан эътиборан давлат бюджети даромадлари таркибида бевосита солиқлар улушкини ортиб бориши билан ифодаланади. Жумладан, 2017 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бевосита солиқларнинг 51,3 фоизини ташкил этгани ҳолда, 2021 йилдан эътиборан кескин камайиши кузатилиб, 32,1 фоизни, 2022 йилада 37,7 фоизни ташкил қилган. Айниқса, фойда солигининг бевосита солиқлар таркибидаги аҳамиятининг ортиши, ўз навбатида, жисмоний шахслардан олинадиган солиқ улушкининг камайишига сабаб бўлган асосий омил ҳисобланади.

2023 йилда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича тушумлар 40,8 трлн.сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 3,1 трлн.сўмга ёки 8,0 фоизга ошган [4].

Бугунги кунда давлат бюджети даромадларининг ўн фоиздан ортиқ қисми, бевосита солиқларнинг учдан бир қисми эса жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисобига шакллантирилмоқда.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасига ва унинг давлат бюджети даромадларидағи аҳамиятига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири солиқ ставкасидир. Қайд этилганидек, мамлакатимизда 2019 йилга қадар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг прогрессив ставкалари қўлланилган бўлса, 2019 йилдан 12 фоиз қилиб белгиланиши даромад солиғини тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайишига хизмат қилди.

Бизнинг фикримизча, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг давлат бюджети даромадларидағи аҳамияти бир қатор муаммолар сабаб етарлича эмас. Жумладан, даромад солиғи ставкасининг пасайтирилиши ва унинг пропорционал тарзда белгиланиши ҳамда ягона ижтимоий тўлов ўрнига ижтимоий солиқни жорий этилиши ва нисбатан ставкасининг пасайтирилиши меҳнат шартномасисиз тарзда фаолият кўрсатаётган ишчи ва ходимлар фаолиятини легаллаштиришга турткি берган бўлган бўлса-да, барча тадбиркорлик субъектларида меҳнат қонунчилигига тўлиқ риоя қилинаяпти деб бўлмайди. Бу ҳолат ишчи ва ходимларга тўланаётган иш ҳақини солиқقا тортилмаслигига ва ўз навбатида, давлат бюджетига бу солиқ бўйича тушумларнинг имконият даражасида бўлмаслигига олиб келмоқда.

Назаримизда, бунинг бошқа бир муҳим сабаби ҳам бор. Гап бу ўринда Ўзбекистон иқтисодида хуфиёна секторнинг нисбатан кенг кўлам ёйганлиги хусусида кетмоқда. Айрим эълон қилинган маълумотларга кўра унинг ҳиссаси эллик фоизга яқинни ташкил этади. Демак, биргина шу рақамга эътибор бериладиган бўлса, худди шу ернинг ўзида мамлакатимиз давлат бюджети даромадларида жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи ҳиссасини оширишнинг икки маротабалик заҳираси борлиги маълум бўлади. Албатта, мамлакат иқтисодида хуфиёна сектор улушкини нолга яқинлаштириш бу ўта мураккаб масала. Лекин халқаро амалиётнинг кўрсатишича, унинг

кўламини қисқартириш имкони доим бор. Шунинг учун, бизнингча, мамлакатимиз давлат бюджети даромадларида жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи ҳиссасини оширишнинг катта заҳираси шу ерда эканлиги ва унинг кўламини қисқартириш учун тизимли ишларни амалга оширишнинг зарурлиги доим бизнинг диққат марказимизда турмоғи лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Международное налогообложение (Электрон ресурс), <https://gsl.org/ru/taxes>
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, <https://lex.uz/docs/4674902>
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг маълумотлари асосида тайёрланди.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси маълумотлари, <https://soliq.uz>
5. Кобулов Х. А. Межбюджетное выравнивание в формировании доходного потенциала региона //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 1004-1010.
6. Кобулов Х. А. Налоговый потенциал региона в контексте институционализации экономических отношений // "Интернаука": научный журнал. – 2020. – №. 19 (148). – С. 44.
7. Jumaniyozov, I. "ISSUES OF ENSURING THE TRANSPARENCY OF SOVEREIGN WEALTH FUNDS." International Finance and Accounting 2020.5 (2020): 1.